

САНОАТИМИЗ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



"Ўқимёсанот" ДАК матбуот хизматидан маълум қилишларича, тармоқ корхоналари мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техника ва технология қайта жиҳозлаш, замонавий корхоналарни қуриш, янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Утган йили 57,7 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилгани ҳам бунни тасдиқлайди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида косметика маҳсулотлари, болалар тагликлари ва бошқа гигиена воситалари ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди.

Бу борада "Жиззах пластмасса" ва "Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамиятлари эришган ютуқлар бунга яққол мисол бўлади. Хусусан, "Жиззах пластмасса" очик акциядорлик жамиятида атоллорлик моллари, болалар ўйинчоқ-

ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган салмоқли ишлар давом эттирилди.

"Кизилкумцемент" очик акциядорлик жамиятида цементни майдалаш бўлими модернизация қилинмоқда ва иккита янги ускуна ўрнатилмоқда. 2013 йилга қадар амалга оширилдиган мазкур лойиҳа натижасида ишлаб чиқариш қувватини йилига 1 миллион тоннага ошириш ва йилига 0,5 миллион тонна юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш мўлжалланган.

"Охангаронцемент" очик акциядорлик жамиятининг технология линияси ҳам модернизация қилинмоқда. Бу ускуналардан фойдаланиш мuddатини узайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини беради. Лойиҳа 2013 йилга қадар амалга оширилди.

Мамалякамизда яратилган қўлай инвестициявий муҳит туфайли юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий қурилиш материаллари, хусусан, сопол плитка ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Утган йили "ТошКСМ" очик акциядорлик жамияти ва "Modern Ceramics Industries" қўшма корхонасида сопол плитка ишлаб чиқариш бўлимига инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Утган йилнинг май ойида "Кнауф Гипс Бухоро" масъулиятли чекланган жамияти хорижий корхонасида "Кнауф" фирмаси технологияси асосида гипс картон бўмларини ишлаб

"Пойтахт" бизнес марказида Республика Савдо-саноат палатасининг навбатдаги кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Мустаҳкам оила йилига бағиш-

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Йиғилишда Савдо-саноат палатаси томонидан ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллида бажарилган ишлар муҳокама қилиниб, Юртбошимизнинг фармойишлари, Вазирлар

ланган тадбирда соҳа мутахассислари, мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес етказувчилари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Маҳкамасининг қарорлари ижроси ҳамда Мустаҳкам оила йилида амалга оширилиши режалаштирилган масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда 2012 йилда Савдо-саноат палатаси томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш учун максимал қўлай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорликка янада эркинлик бериш, яппи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларини жаддалаш-

ЁШЛАРГА КЎМАК

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Охангарон туман кенгаши фаолиятини янада кучайтиришга бағишланган тадбирда корхона, ташкилот ва таълим муассасалари бошланғич ташкилотлари етказувчилари иштирокида бўлиб ўтди.

Унда ёшлар онгига миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини синдириш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни бошламоқчи бўлганларга кредитлар олишда ёрдам бериш, касбуна қўлайликларни битирувчиларини ишга жойлаштиришда "Камолот" етказувчилари фаолиятини кучайтириш масалаларига асосий эътибор қаратилади.

Юлдуз ФАЗЛИДИНОВА.

САЛОМАТ БЎЛИНГ



ТИББИЙ КЎРИК ЖАДВАЛ АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корёя Соғлиқни сақлаш фонди грантининг умумий фойдаланиш тўғрисида"ги қарорига асосан халқаро "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий

патронаж бригадаси Зангиота тумани соғлиқни сақлаш бўлими ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандлари ҳамда туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

ҲАР НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИ БОР

Болалик чоғларимда бобом бир гапни кўп такрорлардим. "Бу дунёда ҳамма нарса-нинг ҳисоби, охири бор. Вақтида қадрга етмасанг, бир кун ўша нарсага зор бўласан" дەر эдилар.

Йиллар ўтгани сайин ёшим улғайиб, бу гапларнинг асл моҳиятини англагандек бўляпман. Айниқса, талланган касбим, меҳнат фаолиятим давомида бобом нечоғлик ҳақ эканлигини тушундим.

Бугун хонадонларимизга қувурлар орқали оқиб кираётган табиий газ эртага келмай қолишини тасаввур қилиш қийин. Чунки, хаётимизни бу неъматсиз давом эттиришни йўлашнинг ўзи нечоғлик оғир эканлигини тушуниш учун ортиқча ақл, фаросат шарт эмас. Минг афсуски, бугун ён-атрофимиз, қолаверса, ўзимизга теран назар ташласак, кундалик ҳаётимизда ушбу бебаҳо неъматга қанчалик беписанд муносабатда бўлаётганимизни кўришимиз мумкин.

Кузатувлар, ўрганишлар жараёнида аксарият юртдошларимиз табиий газни беҳуда ва исроф қилаётганларини, тежаб ишлашти ўрнига, керак бўлмаган нарсаларга сарф этаётганларини гувоҳи бўламиз. Айрим хонадонларда газ плиталари шунчаки гузурт ишлатмаслик учун ёқиб қўйилишини инсофининг қай бир мезони билан ўлчаш мумкин. Баъзи оилаларда эса шунчаки лоқайдлик оқибатида қанча-қанча табиий газ увол бўлади. Кишига таъсир қиладиган жиҳати шундаки, агар уларнинг ўзларига йўл қўётган бундай исрофгарчиликларни ҳақида тушунтирмакчи бўлсангиз, "Сенга нима, пулини тўлаганимдан кейин хоҳлаганимча ишлатаман" деган сўзларни ҳам эшитасиз.

Уларнинг бундай беписандлиги қимматга тури-

СОҒЛОМ ОНА - СОҒЛОМ БОЛА

Давлатимиз раҳбарининг "Она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, соғлом авлод шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарadorлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари ҳамда "Соғлом она - соғлом бола" дастури ижросини таъминлаш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш халқаро Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Маҳалла" ва "Соғлом авлод учун" кенгаши жамғармалари, "Камолот" ЕИҲ вилоят бўлими жамоат ташкилотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, тиббий статистика маркази билан биргаликда фертил ёшидаги аёллар, ўсимир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталигини ўтказмоқда.

М. МАМЕТОВА, Ў.А муҳбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Уларнинг оила саломатлигига оид фикрларини олиш мақсадида "Отам-онам ва мен", "Балобат ёшидаги таас-сиротларимиз", "Ойлада ўз ўрнини" каби мустақил ишлар ёздирилмоқда. Бу эса ўз навбатида уларнинг маънавий дунёси янада бойиб боришига замин яратди. Ҳозирга қадар "Камолот" ЕИҲ вилоят кенгаши Ангрэн шаҳри, Юқори Чирчиқ, Пискент туманларида репродуктив саломатлик ва соғлом оила шакллантириш борасида ёшлар ва ўсимирлар орасида кенг тушунириш ишлари, семинар-тренинглари

ўтказилмоқда. Бунга қўшимча тарзда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши кураш самарadorлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси асосида таълим мақсадларига тарғибот ишлари олиб борилаётди.

Бундан қўзланган асосий мақсад - баркамол авлоднинг тарбиялаш, улар онгига соғлом турмуш тарзида оид билимларни синдириш, ўз саломатлиги ҳақида қайғуриш, тамаки, алкоголь ичимликларидан, ёт ғоялардан ҳоли бўлишларига эришишдан иборат.

— Хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда эрта ва қариндошлар ўртасидаги ниҳоят оқибатлари, қизлар гигиенаси оилада соғлом муҳитни шакллантириш, ота-онанинг фарзандга муносабати масалаларида кенг қамровли таъвоққў тарғибот олиб бориладилар, — деди "Камолот" ЕИҲ вилоят кенгаши муҳофизатчилари Сайёра Қўямжўева.

Юлдуз ФАЗЛИДИНОВА, "Тошкент Ҳақиқати" муҳбири.

2012 ЙИЛ - МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

НУРОНИЙЛАР БИЛАН КЕНГАШИБ

Халқимиз дуоғўй. Янги ишларга бел боғлашдан олдин қўл очиб, яхши ният билан дуо қилинади.

— Маслаҳатли тўй тарқамас, — деди Янгиёул туманидаги Навбахор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эрмаҳаммад Аҳчабоев нурунийлар йиғилишини очар экан. — Оилаларимизнинг мустаҳкамлиги аввало улардаги муҳитнинг соғломлигидан бўлади. Бундай деҳшамма сабаб, қайси оилада нурунийлар бўлса, ўша оилада кут-бароққа, фойз бўлади. Қишлоғимиздаги икки мингга яқин оиланинг олти мишдан ортиғида эллик йилдан зиёд бирга яшаб, қўша қариб, умргузаронлик қилиб келаётган отахон ва онахонлар истиқомат қилишади. Бугунги йиғилишимизга сиз азиз нурунийларимизни таклиф қилишдан мақсадимиз қишлоғимиздаги тўртта маҳалла фуқаролар йиғинларига айна сизларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларингиз керак. Йиллик иш режаларимизни тасдиқлаб олишда ҳамда қишлоқдаги муаммоларни ҳал этишда кенгашиб иш тутсак яхшида. Шукрлар бўлсинки, ўтган йилда қишлоғимизда оилаларнинг ажралиши қайд қилинмади. Тўғри, "Дангир", "Кескан" маҳаллаларида келишимовчиликлар бўлди, уларни маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги яраштирув комиссиялари аъзолари бўлган отахон ва онахонларимиз иштирокида му-

росага келтириб, яраштириб қўйдик.

Қишлоғимизни янада обод, турмушимизни фаровон қилишда албатта, томоқлардан унумли фойдаланиш масаласига ҳукуматимиз эътиборини кучайтиргани айни муудо. Шундай экан, қишлоқ фаоллари томоқлардан яхши фойдаланмаётган айрим оилаларни назоратга олишлари, кераклик маслаҳат ва ёрдамларини аямасликларига керак.

Қишлоқ оксоқоли, шунингдек, йиғилишда тоза ичимлик сув муаммоси ва унинг ечими тўғрисида, ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам курсати-

тиш, тозалик ва ободончилик ишлари ва бошқа масалалар тўғрисида фикр юритди.

— Қишлоғимиз аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланса-да, аксарият ёшларимиз бўш вақтларда бекорчи бўлиб қолаётганлиги бизни ташвишлантирмоқда, — деди "Кескан" маҳалласида яшовчи саксон ёшли Абдумутал бобо. — Шунинг учун қишлоғимизда ҳунармандчиликка эътибор қаратилса, яхши бўларди. Ҳозир қасаначиликка кенг йўл очилган. Шундай бўлган, туманимиздаги йирик корхоналар билан алоқа боғлаб, ёшларга турли қасаначилик топшириқлари берил-

са, айни муддао бўларди.

— Абдумутал ота тўғри айтдилар, фуқаролар йиғинимиз туман бандликка кўмаклашувчи марказ билан доимий алоқад, — деди қишлоқ фуқаролар йиғини қотиби Бахтиёр Машарипов. — Утган йили "Нуробод" маҳалла фуқаролар йиғини маҳалла худудидаги ГЭСлар корхонаси маъмурияти билан келишиб, ўн беш нафар ёшларни қасаначиликка жалб қилди. Бу йил "Кескан", "Деҳқонбод" маҳаллаларида ҳам айнан ёшларни турли фойдали меҳнатга жалб қилишни режалаштирмоқчимиз.

— Аҳолимиз тоза ичимлик сув масаласида баъзан қийинчиликларга дуч келмоқда, — деди Назарали ота Ашуралиев. — Утган йили "Янгиёулсувоқова" ишлаб чиқариш корхонасига бир неча марта мурожаат қилдик. Корхона ходимлари келишиб, насос ишдан чиққанлигини аниқладилар ва уни таъмирлаб, ўрнатидилар. Бирок, оранда ҳеч қанча вақт ўтмай, насос яна ишдан чиқди. Шу муаммо тезда ҳал этилмас экан, аҳоли қийналарди.

Навахор қишлоқ фуқаролар йиғинида баҳс-мунозарали бундай йиғилишлар тез-тез ўтказиб турилади. Бу галги йиғилишга ма-



